

“Тасдиқланган”
Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитаси
томонидан
12 ноябрь 2013 й.

3-сон ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИНГ РЕГЛАМЕНТИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҲИСОБОТЛАРИ ШАКЛЛАРИ
БЛАНКАЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

1. Хизматнинг таърифи (паспорт)

1.1. Хизмат номи

Давлат статистика ҳисоботлари шакллари бланкаларини тақдим этиш.

1.2. Хизмат натижаси

Давлат ҳисоботлари шакллари ва бланкалари қоғоз ёки электрон кўринишида тақдим этилади.

1.3. Хизмат кўрсатиш органлари ва бланк олиш жойлари

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари, туман (шаҳар) статистика бўлимлари.

Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти www.stat.uz.

1.4. Ҳуқуқий асослар

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги “Давлат статистикаси тўғрисида”ги 441-П-сонли Қонуни.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 8-сонли Қарори.

Тегишли йил учун Давлат статистика қўмитасининг “Давлат статистика ҳисоботлари шакллари бланкаларини тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори.

1.5. Хизматдан фойдаланувчилар

Ҳисобот топширувчи тадбиркорлик субъектлари ҳамда бошқа манфаатдор шахслар.

1.6. Сўров бериш муддати

Сўров бериш муддати ўрнатилмаган.

1.7. Бажариш муддати

Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz расмий сайтига мурожаат қилинганда – кечаю кундуз.

1.8. Тасдиқ бериш муддати

Ўрнатилмаган.

2. Хизматдан фойдаланувчиларни хабардор қилиш

2.1. Ахборот таркиби ва ҳажми

Давлат статистика ҳисоботлари шакллари бланкалари.

2.2. Кенг миқёсда хабардор қилиш

Электрон кўринишдаги давлат статистика ҳисоботлари шакллари ва бланкалари Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz расмий сайтининг ўнг тарафидаги “Интерактив хизматлар” бўлимининг “Ҳисоботлар шакллари” қисмида тақдим этилади.

2.3. Сўров бўйича хабардор қилиш

Шахсан: соат 9-00 дан 18-00 гача хизматдан фойдаланиш бўйича ҳар қандай савол юзасидан оғзаки маслаҳат (10 дақиқадан ортиқ эмас) олиш.

Телефон орқали: соат 9-00 дан 18-00 гача хизматдан фойдаланиш бўйича ҳар қандай катта ҳажмдаги аниқ ахборот берилишини талаб қилмайдиган савол юзасидан оғзаки маслаҳат (5 дақиқадан ортиқ эмас) олиш.

Факс орқали: соат 9-00 дан 18-00 гача сўров бўйича ёзма ҳужжатларни (3 варақдан кўп бўлмаган) қабул қилиш ва узатиш.

Электрон почта орқали: ҳар қандай ёзма сўровларни кенг тарқалган матн форматларида (оддий матн, DOC, RTF, PDF форматларида бириктирилган файл) ёки келишилган бошқа форматларда кечаю кундуз қабул қилиш, соат 9-00 дан 18-00 гача оддий матн форматида, DOC, RTF, PDF форматидаги бириктирилган файл кўринишида ёки келишилган бошқа форматларда ёзма ҳужжатларни узатиш.

Давлат статистика қўмитаси расмий сайтига шахсий мурожаат – кечаю кундуз.

2.4. Хизмат кўрсатиш жойи ҳақида хабардор қилиш

Давлат статистика ҳисоботлари шакллари бланкаларини тўлдириш бўйича маслаҳатлар туман (шаҳар) статистика бўлимларида амалга оширилади.

2.5. Фойдаланиладиган ҳужжат бланклари (шакллар)

Давлат статистика қўмитасининг Қарори билан тасдиқланган давлат статистика ҳисоботлари шакллари бланкалари.

3. Хизмат кўрсатиш

3.1. Иш вақти

Давлат статистика қўмитаси сайтига мурожаат – кечаю кундуз;

Иш тартиби: иш кунлари соат 9-00 дан 18-00 гача.

3.2. Қутиш шартлари

Ўрнатилмаган.

4. Хизмат кўрсатиш тартиби

4.1. Зарур ҳужжатлар

Талаб этилмайди.

4.2. Хизмат ҳақи

Хизмат бепул амалга оширилади.

4.3. Давлат хизматини кўрсатиш босқичлари

Статистика ҳисоботлари шакллари ва бланкаларини электрон шаклда олиш учун, www.stat.uz сайтига кириш лозим. Ўнг тарафдаги “Интерактив хизматлар” бўлиmidан “Ҳисоботлар шакллари” қисмини танлаш керак.

4.4. Давлат хизматини кўрсатишда ички идоравий жараёнлар

1) Давлат статистика ҳисоботлари шакллари бланкаларига ўзгартиришлар киритиш бўйича ҳар йили Экспертлар кенгаши тузилади.

2) Тармоқ бошқармалари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда, давлат статистика ҳисоботлари шаклларига зарур қўшимчалар ва ўзгартиришларни ишлаб чиқиб, кўриб чиқиш учун Экспертлар кенгашига тақдим этадилар.

3) Экспертлар кенгаши киритилаётган ўзгартиришларни кўриб чиқади ва тасдиқлайди.

4) Қабул қилинган ўзгартиришлар ва қўшимчалар асосида давлат статистика ҳисоботлари шаклларининг бланкалари шакллантирилади ва Давлат статистика қўмитасининг Қарори билан тасдиқланади.

5) Тасдиқланган шакллар бланкаларининг адади кўпайтирилади, ҳамда Давлат статистика қўмитасининг расмий сайтида жойлаштирилади.

4.5. Рад этиш асослари

Ўрнатилмаган.

5. Сифат таъминоти

5.1. Сифат параметрлари


Хизмат кўрсатиш сифати кўрсатиладиган хизматлар учун ўрнатилган тартибга тўлиқ жавоб беради.




5.2. Хизмат сифати устидан шикоят қилиш тартиби

Статистика органларига белгиланган тартибда ёзма мурожаат қилиш ёки Давлат статистика қўмитасининг расмий сайтидаги қарши алоқа шакли орқали шикоят билдириш мумкин.

Давлат хизматини кўрсатиш схемаси


Давлат статистика ҳисоботлари шакллари бланкаларини тақдим этиш






	Тўғри тўртбурчак (квадрат) – ҳаракатни билдирувчи элемент. Элемент ичида ҳаракат номи келтирилган.
	Доира (овал) – объектларни кўрсатувчи элемент (бу ерда хизматни олиш натижаси). Элемент ичида олинаётган ҳужжат номи келтирилган.
	Кўрсаткич – ҳаракатлар кетма-кетлигини кўрсатувчи алоқа элементи.

Давлат хизматини кўрсатишда ички идоравий жараёнлар таърифи

Давлат статистика ҳисоботлари шакллари бланкаларини тақдим этиш



	<p>Тўғри тўртбурчак (квадрат) – ҳаракатни билдирувчи элемент. Элемент ичида ҳаракат номи келтирилган.</p>
	<p>Доира (овал) – объектларни кўрсатувчи элемент (бу ерда хизматни олиш натижаси). Элемент ичида олинаётган ҳужжат номи келтирилган.</p>
	<p>Кўрсаткич – ҳаракатлар кетма-кетлигини кўрсатувчи алоқа elementi.</p>